

ПОМУК МАЙДОНИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

Панжиев Хикмат Аҳадиллаевич

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

E-mail: hikmat.panjiyev02@mail.ru

***Аннотация:** Мақолада Бухоро-Хива нефтгазли хавзасинидаги Помук майдонининг геологик тузилиши ва чўкинди қатламининг стратиграфик таркиби килтирилган. Помук майдонида бўр даври ётқизиқлар нефт ва газга истиқболли ҳисобланади.*

***Калим сўзлар:** Палеозой, мезазой ва кайнозой, Зекри, Дивалкак, Кушаб, Помук юра, карбонат формацияси, туз ангидрит формацияси, неоком, альб.*

***Abstract:** The geological structure of the Pomuk field in the Bukhara-Khiva oil and gas basin and the stratigraphic composition of the sediment layer are presented in the article. Cretaceous deposits in the Pomuk area are promising for oil and gas.*

***Key words:** Paleozoic, Mesozoic and Cenozoic, Zekri, Divalkak, Kushab, Pomuk Jurassic, Carbonate Formation, Salt Anhydrite Formation, Neocomian, Alb.*

Кўрилаётган ҳудуднинг геологик тузилиши ҳудудда олиб борилган геофизик ишлар ва бурғилаш ишлари натижасида ёритиб берилган. Чоржоу поғонасининг геологик тузилишида палеозой, мезозой ва кайнозой ётқизиклари қатнашади. Буларнинг ичида мезо-кайнозой даври ётқизиклари, асосан, нефт ва газга истиқболли бўлган юра ва қисман бўр ётқизиклари кўпроқ ўрганилган.

Палеозой (Pz)

Чоржоу тектоник поғонаси Помук майдонидаги бурмали асоснинг ётиш чуқурлиги 7 км га етади.

Чоржоу тектоник поғонасида олиб борилган геологик-геофизик маълумотлар таҳлили юра даври ётқизиқларида икки сейсмик чегараларни ажратиш имконини беради.

Улардан бири 5,5-5,8 км/с чегаравий тезлик билан тавсифланса, иккинчиси 6,3-6,5 км/с тезлик билан тавсифланади. Улар перм-триас ва кечки палеозойнинг бўш метаморфизмлашган чўкинди ва вулканик жинсларидан иборат.

Чоржоу тектоник поғонасида палеозой ётқизиқлари Дивалкак №1 (2935), Зекри № 4,5,7 (2907-3027 м), Ўртабулок №12 (3195м), Шимолий Қарши №1 (3225м) ва Помук №1-П (3934 м), Бухоро тектоник поғонасида палеозой ётқизиқлари Андабазар СКВ №1,2 ва Қўнғиртоғ №1 бурғи қудуқлари ёрдамида очилган.

Мезозой (Mz)

Палеозой фундамент ётқизиқлари тахминан перм-триас ёшидаги терриген чўкиндилар билан номос ҳолда ётади. Улар асосан қорамтир тусдаги аргиллитлар, сланецлар, алевролитлар, кумтош қатламлари билан ифодаланган.

Юра системаси

Чоржоу тектоник поғонасининг юра ётқизиқлари шаклланиш шароити ва литологик таркиби бўйича 3 хил формацияга бўлинган: терриген, карбонатли (КФ) ва туз-ангидритли. Юра терриген ётқизиқлари турли даражада метаморфлашган бурмали триас ва палеозой қатламларининг кристаллик фундаментида турли горизонтларда мос ётувчи мураккаб тузилган континентал ва денгиз ётқизиқлари комплексидан иборат. Юра терриген ётқизиқларида 4 свита ажратилади Санджар, Гаурдак, Дегибодом, Бойсун.

Ғарбий Ўзбекистонда ўтказилган геологоразведка ишлари амалиётида қабул қилинган КФ даги биринчи икки тип номенклатура бўйича (пастдан юқорига) XVI, XV-ПР (рифости), XV-Р (рифли) ва XV-ПР (рифли) ва XV-НР (риф усти) горизонтлар ажратилади. XV-ПР горизонти ичида XV-а пачка ажралиб, у ўз ўрнида XV-a1 ва XV-a2 пачкаларга бўлинади.

Туз-ангидрит формацияси

Туз-ангидрит формацияси (ТАФ) Чоржоу тектоник поғонасининг Бухоро тектоник поғонасига ўтишида қалинлиги қисқаради ва ўзининг тузилишини беш ҳадлидан (қуйи ангидрит, қуйи тузлар, ўрта ангидритлар, юқори тузлар, юқори ангидритлар) уч ҳадлига (В.В.Корсун, И.А. Алимухаммедов 1971-йил) ўзгартиради.

Қуйи ангидрит қатламининг рифф оралик майдонларидан то рифли массивлар тўплами йўналиши бўйлаб қалинлигининг пасайиши қидирув аломатлари бўлиб хизмат қилади.

Тузларнинг рифлар тўплами йўналиши томон аниқ пасайиб бориши қуйидаги майдонларда кўрилади: Алан, Шўртан, Зеварда ва бошқалар. Бу конлардаги қуйи тузларнинг қалинлиги 49-65 метр, 105-143 метр, 102-286 метрни ташкил қилади.

Бўр система-К

Бўр ётқизиқларининг қалинлиги Чоржоу қатлами атропофларида шимолий-ғарбдан жанубий-шарққа томон Кимерек грабени ҳудудида 1450 метрдан, Бешкент ботиғида 1700-2200 метргача ортиб боради. Бўр ётқизиқлари Помук майдонида барча бурғи қудуқларида очилган ва юқори ҳамда қуйи бўлимларга бўлинади.

Қуйи бўр– К₁

Қуйи бўр бўлими континентал, лагуна, денгиз ётқизиқларидан ташкил топган бўлиб, валанжин, готерив, баррем, апт ва альб ярусларига бўлинади.

Валанжин яруси

Валанжин ярусини Н.П Херасова қарабл ва альмурад свиталарига бўлади. Қуйи ярми тўқ кулранг гиллар, алевролитлар ва кумтошлардан иборат бўлиб, XIV горизонт ҳисобланади. Юқори қисми қизғиш рангдаги гипслашган гиллар ва алевролитлар, баъзан кам қалинликдаги ангидрит қатламлари (1-1,5м), яшил-кулранг кумтошлардан иборат бўлиб, онда-сонда доломит қатламлари учрайди. Валанжин яруси қалинлиги 170 мдан 227 мгача ўзгаради.

Готерив яруси

Готерив яруси қизилтош свитасидан иборат ва асосан чўкинди қатлаמידан иборат. Готерив ярусининг қуйи қисми алевролит ва қумтош қатламларига эга гиллардан, юқори қисми, асосан, қумтошлардан иборат бўлиб, гил ва алевролит қатламлари ҳам учрайди. Ярус қалинлиги 107-129 мни ташкил қилади.

Баррем яруси

XIII горизонт қумтошлар билан қўшилиб кетган кулранг денгиз ётқизиклари, карбонатлашган алевролитлар, гиллар ҳамда қумтош қатламларига эга қизғиш гиллардан ва камдан–кам ангидритлардан ташкил топган. Қатлам қалинлиги 62 мдан 72 мгача етади.

Апт яруси-К₁^{apt}

Апт яруси ётқизикларига эътибор берсак қуйи ярми, асосан, қумтошлар кулранг гил қатламли гравилитлар ва детритли оҳактошлардан иборат. Юқори қисми гилли оҳактош қатламлари ва оҳактошлардан иборат. Апт яруси юқори чегараси қуйи альб гиллари чегарасига туташади. Апт яруси қалинлиги 84-99 мни ташкил қилади.

Палеоген–Р

Помук майдонида қуйи (палеоцен) ва ўрта (эоцен) палеоген ётқизиклари мавжуд бўлиб, Бухоро ва Сузак қаватларига бўлинади.

Бухоро қатлами оч кулранг деярли оқ рангдаги ангидрит қатламларига эга доломитлардан ташкил топган бўлиб, 130-154 м қалинликни ташкил қилади.

Сузак қатлами кулранг яшилсимон гиллар ва камдан кам қумтош қатламлари учрайдиган алевролитлардан ташкил топган.

Сузак қатлами қалинлиги катта ораликда 29 мдан 170 мгача ўзгаради.

Неоген–N

Неоген қўнғир рангдаги континентал ётқизиклар, қумтошлар, алевролитлар, гиллар ва йирик донали тоғ жинсларидан ташкил топган. Уларнинг қалинлиги доимий эмас ва 140-350 мгача ўзгариб туради.

Тўртламчи давр – Q

Тўртламчи давр ётқизиқлари эол қумлар, алевролитлар ва проллювиал ётқизиқлардан ташкил топган. Аниқ қалинликка эга эмас, 2м дан 50мгача.

АДАБИЁТЛАР

1. Абидов А.А., Эргашев Й., Қодиров М.Х.: “Нефт ва газ конлари геологияси” Русча-Ўзбекча изохли луғат. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, Т.,2000й.
2. Дахнов В.Н.: “Интерпретация результатов геофизических исследований разрезов скважин”. Москва, “Недра” -1982г.
3. Дьяконов Д.И., Леотьев Е.И., Кузнецов Г.С.: “Общий курс геофизических исследований скважин”, Москва, “Недра”- 1977г.
4. Эргашев Й., С. Абдуллаев, Қодиров М.Х., Холисматов И.Х.: “Нефт ва газ конлари геологияси”. “Шарқ” нашриёт-Матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, Тошкент-2008.
5. Латишова М.Г., Мартинов В.Г., Соколова Т.Ф.: Практическое руководство по интерпретации данных ГИС: Учеб.пособие для вузов –М.:ООО «Недра Бизнесцентр»,2007.-327с.:ил.
6. Яккабоғ геофизика экспедицияси (ЯГЭ) фонд маълумотлари.
7. Авазходжаев Х., Палыбеков А., «Литология, геохимия и полезные ископаемые мезозойских отложений». ФАН, 1976;
8. Акрамходжаев А.М. ва б. «Литология, условия образования и нефтегазоносность юрских отложений». ФАН, 1976;
9. Акрамходжаев А.М. ва б. “Геологическое строение предпосылки нефтегазоносности”. Ташкент, 1967 й.;
10. Алимов К.А. ва б. «Стратиграфия мезозойских отложений», ВНИГНИ, 1964;
11. Бабаджанов Т.Л., Кунин Н.Я., Лук-Зильберман В.И. “Строение и нефтегазоносность глубокого погруженных комплексов Средней Азии по геофизическим данным”. ташкент, 1986 й.;